

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Марказ илмий Кенгаши фаолияти.....	3
--	---

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Нодир КАРИМОВ. Имом Бухорий асарларининг хорижда ўрганилишига доир баъзи мулоҳазалар.....	5
Абдуманноб ИСМАТУЛЛАЕВ. Саййид Шариф Журжоний ва “Наҳвимири” асарининг таҳлили.....	7
Дилшод ВАҲОБОВ. Ибн Ҳишомнинг “ас-Сийра ан-Набавийя” асарининг ўрганилишига оид	9
Миржалол АКОБИРОВ. Алоуддин Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонгушо” асарида султон	
Жалолиддин Мангубердиннинг Ҳиндистонга қилган ҳарбий ҳаракатларининг баёни.....	10
Раҳматулло ҲАЙДАРОВ. Навоийнинг тасаввуфий-фалсафий қараилари шаклланишига сўфий аллома	
Абдуллоҳ Ансорий илмий меросининг таъсири.....	12
Laziza MUHAMMADIYEVA. Hoja Orif Revgariy ilmiy merosi – ta’naviyat sarchashmasi.....	15
Алишер ХАЗРАТҚУЛОВ. Имом Бухорий “Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” асарининг тузилиш принциплари.....	17
Дилдора МУСИНОВА. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муфасссал” асарида жинс категорияси.....	19

НОДИР МАНБАЛАР

Зоҳиджон ИСЛОМОВ. Маҳмуд Замахшарий илмий меросига оид нодир топилма.....	22
Севинч УЛАШОВА. Темурийлар даври этник тарихига оид манбалар тарихишунослиги.....	23
Мадина ЖЎРАЕВА. Табақот адабиётларининг ҳадис илмида тутган ўрни.....	26
Давронбек ҚОДИРОВ. Тасаввуф ва нақибандия тариқатига доир XVII-XIX аср араб манбалари.....	29
Фарҳод ЖЎРАЕВ. “Канзу-д-дақиқ” асари – ҳанафий фикҳига доир муҳим манба.....	32
Бекзодбек МУХТАРОВ. Носируддин Самарқандийнинг “Жомий ал-фатаво” асари ҳанафий фикҳига оид	
муҳим манба.....	33

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Комилжон РАҲИМОВ. Тасаввуфда сўфийлик мактаблари ва оқимлари даври (IX-XI асрлар).....	36
Абира ҲУСЕЙНОВА. Абдурахмон жомий – нақибандия тамойиллари давомчиси.....	39
Музаффар ЖАББОРОВ. Фикҳ илми ва Абу Жаъфар Уструшаний.....	41
Шавкат ХАМЗАЕВ. Аҳмад Яссавий ва тасаввуф таълимоти.....	43
Ҳабиба КАМОЛОВА. XIX аср охири ва XX аср бошларида Шаҳрисабз воҳасидаги маданий жараёнлар	
хусусида.....	45
Бехзод ҚОДИРОВ. Экрани санъатида аждодларимиз қиёфаси.....	47
Қодирхон МАҲМУДОВ. Самарқанднинг Форон ва Исто қишлоқларидан чиққан алломалар.....	48
Малика ТУХТАЕВА. Ўзбекистонда XX асрнинг 30-40 йилларида ҳокимият ва санъат.....	50
Рустам ШОДИЕВ. Шайх Фаридиддин Аттор – етук мутасаввиф ва баркамол шоир.....	53
Абдували ЙЎЛДАШЕВ. Уфадаги “Олия” мадрасаси ва унинг Туркистон маърифатпарварлик ҳаракатидаги	
ўрни.....	55
Зоҳиджон МАДРАҲИМОВ, Р. ОЛИМОВА. Қўқон – йирик ҳунармандчилик маркази.....	57
Абдумалик ЭГАМОВ. Нажмиддин Кубро – муфасссир олим.....	59
Миржалолхон АСАТУЛЛАЕВ. Создание и деятельность первых музеев в Туркестане.....	60
Вазира САДУЛЛАЕВА. Россия империясининг Туркистонда маориф соҳасидаги сиёсати.....	62
Музаффар ТОЖИБОЕВ. «Авесто» таълимотида маънавий, миллий ва умумбашарий қадриятлар.....	63
Жасур ЯКОБЖАНОВ. Қўқон хонлигидаги маданий ҳаёт масалалари мустақиллик даври тадқиқотларида.....	65

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Фируз МУЗАФФАРОВ. Имом Ғаззолийнинг билиш фалсафасида “Мишкоту-л-анвор” асарининг ўрни.....	68
Баҳромжон ДАМИНОВ. Қуръони каримда илм сўзи англатган маънолари ва уларнинг ўзбек тилига	
таржималари.....	70
Hojiakbar MIRZAXALOV. Islomda oila munosabatlari shakllanishi va rivojlanishining o'ziga xos xususiyatlari..	72
Рўзи КОМИЛОВ. Никоҳ маросимларининг тарбиявий аҳамиятини исломий қадриятларда асосланиши..	74
Жонибек ЖУМАЕВ. Ўзбекистонда диний-маърифий соҳа ривожининг янги босқичи.....	76
Рўзигул БОЗОРОВА. Оила ва никоҳ муносабатларини янада такомиллаштиришнинг баъзи масалалари..	79

Феруза МАМАДАЛИЕВА. <i>Маънавий таҳдидларга қарши курашишда шахс масъулиятини исломий қадриятларасосида такомиллаштириш.....</i>	80
---	----

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Махмуд МАЖИТОВ. <i>Глобаллашув жараёнларида шахс ижтимоийлашувининг муаммолари.....</i>	83
Хуррият ХУДОЙБЕРДИЕВА. <i>Жамиятда миллатлараро тотувликни шакллантиришда санъат асарларининг ўрни.....</i>	85
Aziza NOSIROVA. <i>Diniy ksenofobiyaning nazariy jihatlar va tarixiy ko'rinishlari.....</i>	87

ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ

Sheraxon XASHIMOV. <i>O'zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirishning ba'zi masalalari.....</i>	89
Асрор ТУРСУНОВ. <i>Марказий Осиё давлатлари интеграциясида маданий алоқаларнинг ўрни.....</i>	91
Дониёр ҒАФУРОВ. <i>Оиланинг тинч ва хотиржамлиги жамият барқарорлигининг асосидир.....</i>	94
Абдуқосим ТОЖАЛИЕВ. <i>Олий таълим жамиятнинг янги ривожланиш босқичида барқарор тараққиёт кафолати.....</i>	95
Жасур УЛУҒОВ. <i>Тасаввуф ғояларининг ижтимоий моҳияти.....</i>	98
Ғайратбек ХАЙДАРОВ. <i>Тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик.....</i>	99
Бахтиёр МИРЗАРАҲИМОВ. <i>Туризм маданияти – умуммаданиятнинг муҳим қисми сифатида.....</i>	103
Хамро РАҲМОНОВ. <i>Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида “Маҳалла” ижтимоий институтининг аҳамияти.....</i>	105
Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ. <i>Табобатда “анъанавий ва халқ табobati” тушунчаси.....</i>	108
Бахтиёр ТУРСУНОВ. <i>Алишер Навоийнинг “Комил инсон” таълимоти (“Арбаъин” асари мисолида).....</i>	110

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Дилфуза САГДУЛЛАЕВА. <i>“Қисаси Рабғузий” асарида қўлланган синтактик воситалар.....</i>	113
Muxiddin ALLANAZAROV. <i>Alloma Tabotaboyni borliq va irfon masalalariga munosabati.....</i>	115
Аҳмад ЖЎРАЕВ. <i>Тинчликпарварлик тушунчасининг фалсафий-ахлоқий таҳлили.....</i>	118
Актам САМАДОВ, Бектош ИСРОИЛОВ. <i>Шахс ахлоқий-эстетик идеалининг синкретик хусусияти: диахроник ва синхроник ёндашув.....</i>	121
Xolbibi QURBONOVA. <i>Naqshbandiya tariqatida ta'lim-tarbiyaning o'ziga xos jihatlari.....</i>	123
Сардор АБДУЛЛАЕВ. <i>Гўзаллик инсон маънавий борлигининг шакли сифатида.....</i>	124
Марҳабо АШУРОВА. <i>Жалолиддин Румий таълимотида “борлиқ” муаммоси.....</i>	126
Тумарис САҒАРОВА. <i>Этномаданий туризмнинг ижтимоий функциялари ва имманент хусусиятлари.....</i>	128
Акрам АЗИЗҚУЛОВ, Жаъфар МУСТАҒАЕВ. <i>Юсуф Хос Ҳожиб илмий меросида рационаллик тамойили.....</i>	131

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ. <i>Ёшлар эстетик онгида соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари.....</i>	133
Элёр УЛУҒМУРОДОВ. <i>Ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришда ислом дини қадриятларининг ўрни.....</i>	135
Фотима ТИЛЛЯЕВА. <i>Ёшларни маънавий-эстетик тарбиялашда оиланинг ўрни.....</i>	137
Юнусжон ИСОМИДДИНОВ. <i>Ёшларнинг коррупцияга қарши курашишида эстетик тарбия масалалари.....</i>	139
Н. МАМАДИЕВА. <i>Жамият тараққиёти ривожини оиладаги ёшларни тарбиялашда Имом Бухорий ҳадисларининг ўрни.....</i>	141

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ

Мавлуда ХОДЖАЕВА. <i>Буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижодини ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.....</i>	143
Алимжон ДАДАМУҲАМЕДОВ. <i>Зиёрат туризмида информацион коммуникация технологияларининг ўрни.....</i>	144

СИЙРАТ

Зиёвуддин РАҲИМОВ. <i>Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ташқи кўринишлари.....</i>	147
---	-----

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Нодир ҚОБИЛОВ. <i>Ота-онага яхшилик қилиш.....</i>	150
---	-----

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Абдуллоҳ Сулаймий. Табақот ас-суфия (Аҳмад Шарбос таҳрири остида). – Қоҳира: «Дор уш-шуъаб», 1419/1998.
2. Ансорий Ҳиравий, Шайхулислом Хожа Абдуллоҳ. Табақот ас-суфия (Таҳрир, изоҳлар ва иловалар муаллифи Абдулхай Ҳабибий). Қобул: Давлат матбааси, 1341/1962.
3. Кушайрий, Абдулқарим ибн Ҳавозан. Рисолайи Кушайрия (Араб тилидан Абу Али Ҳасан ибн Аҳмад Усманий таржимаси (XI а.); Бадиуззамон Фурӯзонфар таҳрири остида). – Техрон: «Илмий-маданӣ нашриёт», 1361/1982.
4. Мустамлий Бухорий, Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад. Шарҳ ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф. 1-рубъ. Муҳаммад Равшан таҳрири остида. Техрон: «Асотир». 1363/1984.
5. Мустамлий Бухорий, Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад. Шарҳ ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф. 2-рубъ. Муҳаммад Равшан таҳрири остида. Техрон: «Асотир». 1363/1984.
6. Мустамлий Бухорий, Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад. Шарҳ ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф. 3-рубъ. Муҳаммад Равшан таҳрири остида. Техрон: «Асотир». 1365/1986.
7. Мустамлий Бухорий, Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад. Шарҳ ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф. 4-рубъ. Муҳаммад Равшан таҳрири остида. Техрон: «Асотир». 1366/1987.
8. Ҳужвирӣ Ғазнавий, Абу-л-Ҳасан Али ибн Усмон ал-Жуллобий. Қашф ал-маҳжуб [В. Жуковский таҳрири остида; сўзбоши муаллифи:

Қосим Ансорий]. Бешинчи нашр. – Техрон: «Таҳурий», 1376/1998.

9. Биринджкар, Рида. Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан: в 3 ч. / [Рида Биринджкар]; пер. с перс. С. Ходжанизова; предисл., коммент. и общ. ред. И.А. Таировой. – М: ООО «Садра», 2014.

10. Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. Краткая история / Пер. с англ. М.Г.Романов. – СПб.: Издательство «ДИЛЯ», 2004.

11. Кныш А.Д. ас-Салимия // Ислам. Энциклопедический словарь. – Москва: Наука, 1991.

12. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: «Мовароуннахр», Ўзбекистон, 2009.

13. Комилов Н., Раҳимов К. Хожагон тариқати ва Бухорода ирфонӣ-фалсафӣ илмлар ривожӣ (IX–XV асрлар). – Т.: «Академия», 2011.

14. Комилов Н., Ёқубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожда тасаввуфнинг тутган ўрни (X–XV асрлар). – Т.: «Академия», 2005.

15. Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе / Пер. с англ. А. А. Ставиской, под ред. и предисл. О. Ф. Акимовской. – М.: «София», ИД «Гелиос», 2002.

16. Турар, Усмон. Тасаввуф тарихи. – Т.: «Истиқлол», 1999.

17. Хасан Камил Ёйлаз. Тасаввуф и тарикаты. Перевод с турецкого А. Урманова. М.: ООО «Издательская группа «САД», 2007.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ – НАҚШБАНДИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ ДАВОМЧИСИ

Абира ҲУСЕЙНОВА
“Оила” илмий-амалий тадқиқот
маркази Бухоро вилоят бошқармаси
раҳбари, ф.ф.д.

Мақолада буюк мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг Нақшбандия тариқатига доир фалсафий фикрлари акс эттирилган. Нақшбандия тариқати тамойилларини давом эттириши бўйича Жомий ҳаёти ва ижодидаги ибратли ишлар ёритилган.

Таянч сўзлар: тариқат, тасаввуф, нақшбандия, тамойил, сўфий, зикр, раиҳа, мистик, шайх, зоҳидлик, тарки дунёчилик, зоҳирӣ, ботинӣ.

The article reveals the Filisofsky thoughts of the great thinker Abdurahman Jami on the teachings of Naqshbandi, also reveals instructive things in the life and work of Jami on the continuation of the trends of Naqshbandi teachings.

В статье раскрываются философские мысли великого мыслителя Абдурахмана Джамии об учении Накишбандия, также раскрываются поучительные дела в жизни и творчестве Джамии по продолжению тенденций учения Накишбандия.

Мусулмон маданиятининг кучли маънавий оқими сифатида тасаввуф пайдо бўлиш вақтидан бошлаб ўйнаган ролини, яъни инсонлар ақлини уйғотувчи, рағбатлантирувчи омил ролини бир неча асрлар давомида давом эттирган. Буни ахлокий, эстетик ва илоҳиётга доир қадриятларнинг Шарқ мутафаккирлари ижодидаги таъсирида кўриш мумкин. Тасаввуф унсурлари у ёки бу даражада мавжуд бўлган мутафаккирнинг асарлари бунга рад этиб бўлмайдиган исбот бўлиб хизмат қилади. Буларга Абдурахмон Жомийнинг «Силсилат уз-Заҳаб» («Олтин занжир»), «Тухфат-ул-Ахрор» («Нуронийлар тухфаси»), «Шарҳи рубоӣёт» («Рубоӣйларга шарҳ»), «Лавоӣйх» («Лавҳалар»), «Баҳористон», «Тариқаи хожағони Нақшбандия» («Нақшбандия таълимоти ҳақида рисола»), Ибн Арабий асарларига берилган шарҳлар, «Нафаҳот ал-унс мин ҳазорот ал-қудс» («Муқаддаслик саройидан яқин дўстлик шабадаларининг эсиши») каби шоҳ асарлар қиради. «Ҳафт авранг»даги биринчи дoston – «Силсилат уз-Заҳаб»да Абдурахмон Жомий тасаввуфнинг энг мураккаб ҳолатларини баён этади, уларни шарҳлаб, сўфийлар амалиётининг кўрсатмалари, мистик формулаларини тушунтириб беради.

«Нафаҳот ал-унс»да Абдурахмон Жомий авлиёлар даражасига кўтарилган 604 та сўфийлар таржимаи ҳолини баён этади. Ушбу асарда мутафаккир шайх Баҳоуддин Нақшбанд тавсифига алоҳида диққат-этибор билан ёндашади ва унга аҳамиятли ўрин ажратади.

Жомийнинг Нақшбандия [1] тариқатига қўшилиши унинг интеллектуал уфқининг кенгайиши, тафаккурининг янгилашига кучли туртки бўлди. Бу оқимнинг ғоялари илк тасаввуф тамойилларидан фарқ қилади, бунга биз қуйида ишонч

ҳосил қиламиз. Самарқанд шаҳрида таълим олиб юрган пайтларида Жомий Нақшбандиянинг диний-фалсафий таълимоти билан яқиндан танишади, Ҳирот шаҳрига қайтиб бориб, ушбу оқимнинг Ҳиротдаги жамоасининг раҳнамоси Саъиддин Қошғарий таъсири остида қолади. Қирқ ёшида Жомий тасаввуф йўлига қиради. 1456 йилда, Саъиддин Қошғарийнинг вафотидан сўнг, у Нақшбандия оқимининг маънавий раҳбарига айланади.

Агар Саъиддин Қошғарий ва Нақшбандиянинг йирик вакили Хожа Ахрор Жомий дунёқарашининг шаклланишига бевосита таъсир қилган бўлсалар, ушбу тариқатнинг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд бундай таъсирни билвосита кўрсатган.

Перипатетизмни ёритишда биз Аристотелга мурожаат қилганимиздек, Нақшбандия тариқати моҳиятини очиб бериш учун биз Баҳоуддин Нақшбандга мурожаат қиламиз. Шундай қилиб, Нақшбандия моҳияти унинг асосчисининг концепциясини баён қилиш жараёнида очиб берилди[2: 186].

Баҳоуддин Нақшбанд 1318 йилда Бухоро воҳасидаги «Қасри хиндувон» қишлоғида туғилган. Кейинчалик бу қишлоқнинг номланиши донишманд ва муқаддас шайх шарафига «Қасри орифон» деб ўзгартирилган. Бўлғуси шайхнинг отаси тўқимачилик ва наққошлик билан шуғулланган, “нақшбанд” атамасининг келиб чиқиши шундан. Боланинг биринчи маънавий устози бобоси бўлган, унинг сўфийлар билан қандайдир алоқаси бўлган, чунки у набирасида мистикавий муаммоларга қизиқиш уйғотади, ўспирин диққат-этиборини маънавий ҳодисалар, исломий маросимлар, расм-русумларга, намоз ўқишнинг шартлиги ва бошқа диний

ҳаракатларга қаратади. Ёш йигитнинг ҳақиқий маънавий раҳбари Муҳаммад Бобойи Самосий, кейинчалик эса Мир Сайид Кулол (1370 й. вафот этган) бўлганлар. Улардан Баҳоуддин узлуксиз 7 йил таҳсил олиб, сўнг “турк шайхлари – Қосим шайх ва Халил оталардан таълим олади (охиргисидан у 12 йил таҳсил кўради)” [3: 86].

Бизга Баҳоуддин Нақшбанднинг қуйидаги асарлари маълум: «Хаётнома», «Далилул ошиқин». Лекин бу асарлар ёзилгандан кейинги тақдири бизга, афсуски, маълум эмас. Шунинг учун унинг фикрларини Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирлар дostonлари ва асарларидан йиғиб-теришга, яъни Нақшбанд меросини иккиламчи манбалардан қайта тиклашга мажбурмиз. Шунини таъкидлаш зарурки, Нақшбандия тариқати таълимотини илмий тадқиқ қилиш қалқиб турган пойдеворга қурилган. Гап шундаки, Нақшбандия тариқати ва Сукротдан олдинги файласуфлар орасида икки минг йил ўтган бўлишига қарамасдан, Нақшбанд ижодини ўрганишда биз Сукротдан олдинги файласуфларнинг кўп сонли, қисмлари етишмайдиган ва турли-туман парчаларини тадқиқ қилишга ўхшаш вазият билан тўқнашамиз. Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандия тариқатининг ҳаммага маълум бўлган тамойили: «Дил ба Ёру, даст ба кор!» – «Дилимиз Худога, қўлларимиз меҳнатда!». Яъни Нақшбандияга кўра, «Нақш банд бар дил банд» – «Дилимизда Аллоҳ, Унинг ижодининг нақшларини ва қудратини нақшлаш». Хуллас, Нақшбандиянинг асосий маъноси – буюк Аллоҳ исмлари нақшларини дилда тараннум этиш.

Лекин «Дил ба Ёру, даст ба кор!» тамойилининг асосий маъноси бу билан чегараланмасдан, унинг ортида янада чуқур моҳият, мазкур таълимотнинг ҳақиқий аҳамияти ётади.

Нақшбандия таълимоти ҳамда унга эргашган Жомий ва Навоий дил фақатгина Худо билан банд бўлиши (бунга барча сўфийлар даъват қилган) эмас, балки қўл ҳам иш билан, меҳнат билан банд бўлишига даъват этади. Баҳоуддин таълимоти ўз қўл меҳнати билан тирикчилик қилиш, дилни эса Худо билан банд қилишга асосланган. Инсон фақат намоз ўқиш, бедорлик, рўза тутишлар билан яшай олмайди. У ишлаши керак, ҳаёт учун керакли ноз-неъматлар яратиши, яқинларига ғамхўрлик қилиши керак. Ҳақиқий шайх адолат учун курашиши, одамлар фаровонлигига кўмаклашиши керак. Жомий томонидан Навоийга давлат лавозимидан кетмаслик маслаҳатининг берилишини айнан шу ғоянинг таъсири билан тушунтириш мумкин, чунки бу лавозим халқ учун кўпроқ эзгулик қилиш имконини берарди.

Маълумки, Баҳоуддиннинг ўзи ҳунарманд бўлган. Унинг касби матоларга нақш солишдан иборат бўлган. Нақшбанд ҳар бир донишмандга, албатта, бирор ҳунар эгаллашни маслаҳат берган. Бу тамойилдан Нақшбанд ва Нақшбандия таълимоти зоҳидлик, тарки дунёчиликка даъват этишдан узоқ бўлганлиги келиб чиқади. Нақшбандияда тарки дунёчиликнинг йўқлиги унинг ўзига хос белгисидир. Ушбу тариқат сўфийлари одамлар билан муносабатда бўлганлар ва кундалик меҳнатдан воз кечмаганлар. Уларнинг асосий талаблари қуйидагича таърифланади: «Хилват дар анжуман, сафар дар ватан, ба зоҳир бо халқ, ба ботин бо Ҳаққ» – «Халқ орасида бўлса-да, ёлғизлик, ватан бўйлаб сафар қилиш, зоҳиран одамлар билан, кўнгилда Аллоҳ билан». Шундай қилиб, инсон жамиятни тарк этмасдан туриб, ҳар доим ёлғиз Аллоҳ билан яшаши, ўз ватанида мусофир бўлиши керак. Инсоннинг асосий вазифаси – ўзининг яқинларига хизмат қилишдир, бу том маънода ёлғизликка қараганда ҳақиқий инсонга хос ишдир. «Сен ҳар кунинг тундан узоқроқ давом этишини хоҳлайсанми: Меҳнат қил! Ялқовлик мудроғини ҳайда, шунда тун қисқаради», – деб ёзади Абдурахмон Жомий [4: 65].

«Даст ба кор» ғояси Нақшбанд томонидан илгари сурилган эди. Устозининг таълимотига риоя қилган ҳолда Жомий ҳам тарки дунёчиликка қарши чиқади. Ўзининг «Силсилат-уз-заҳаб» асарида таркидунёчи-сўфийларни кескин танқид қилади. Жомий агар инсон ҳаёти давомида ўзига муносиб пир (устоз) ёки кўнгилдаги дўст топа олмаган бўлсагина, ёлғизлик йўлини, тарки дунёчи, зоҳид турмуш тарзини танлаши мумкин, деб ҳисоблайди. Бунда, унинг фикрига кўра, зоҳидлик икки хил бўлиши мумкин: жисмоний зоҳидлик ва оқилона ёки доно зоҳидлик. Жисмоний зоҳидлик шундан иборатки, инсон барча танланган одамлар ва оддий бандалар билан муносабатда бўлишдан воз кечади. У ўз ҳужрасидан чиқмайди, ҳеч ким билан сўзлашмайди, ҳеч ким билан учрашмайди, яъни вафот этгунча дунё билан алоқани узади. Оқилона тарки дунёчиликни эса Жомий инсон қалбида Аллоҳдан бошқа нарсага ўрин қолмаган ҳолатни тушунади, бунда сўфий фақат сиртдан, зоҳиран одамлар билан муносабатда бўлади, ичидан, дилда эса Аллоҳга интилади [5: 16].

Агар сўфий дўстларининг ёрдам бериши ва қўллаб-қувватлашга кўзи етмаса, зарурят бўлса савдо-сотиқ ёки бирор ҳунар билан шуғулланиш йўли билан одамлар билан мулоқот қилиши, дилида эса Аллоҳга интилишни сақлаб юриши керак [6: 11-35].

Нақшбандия таълимотининг бошқа тамойилини қуйидаги ҳадис билан ифодалаш мумкин – «Ўнг қўл билан берган хайрингизни чап қўл сезмасин». Яъни, Аллоҳ йўлида қилинган эзгу иш фақат Унинг ўзига маълум бўлиши керак.

Нақшбанд издошлари икки хил зикрдан хуфия зикрини танлаганлар. Улар зикр тушишни фақат фикр-хаёлларга кўмилиш, қаттиқ овоз билан бақирмаслик, рақс, мусиқа ва турли бадан ҳаракатларисиз амалга ошириш йўлини эътироф қилганлар ва зарур деб билганлар. Ушбу оқим пешволаридан бири Хожа Аҳрор зикр тушаётган одам умуман товуш чиқармай, лабларини зич юмиб ва тилини танглайга такаб амалга оширишни талаб қилган [7: 12].

Шуни айтиш ўринлики, ўзининг “Шарҳи рубоиёт” асарида Жомий ўзининг устози Саъдиддин Қошғарийнинг зикр тушиш тартибига доир худди шундай фикр билдирганлиги тўғрисида айтиб ўтади. Қошғарий фикрига кўра, зикр меъданидан эмас, юракдан чиқиши учун нафасни тўхтатиб туриш ва тилни танглайга ёпиштириб туриш зарур.

Жомий бунга кўшимча қилиб, моҳияти “Ло илаҳа илلاллоҳ” калимасини кўп марта овозсиз қайтаришдан иборат бўлган зикр, одам кундалик ташвишларини бутунлай ҳаёлидан чиқариб ташлаб ва қалбида Худодан бошқа ҳеч нарса қолмагандагина, ҳақиқий, жорий бўлиб ва мақсадга эришилган бўлади, дейди.

Абдурахмон Жомий “зикр” тушунчаси устида фикр юришиб, ҳайқирик, рақс ва бошқа бадан ҳаракатлари билан зикр тушган сўфийларни мазаҳ қилади. У бундай зикрларни эшаклар подасининг ўқиришига ўхшатади [8: 22].

Тасаввуф тарихи давомида ўзини ўзи камолотга етказиш йўлини тўрт асосий босқичга бўлиш қабул қилинган эди: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат. Бу Нақшбандияга ҳам тегишли. Барча нақшбандийлар учун биринчи ўринда ислом (шариат) кўрсатмаларига риоя қилиш ётади, чунки бу сўфийлар йўлига кириш (тариқат) ва ҳақиқатни билишнинг (ҳақиқат) зарурий шарт бўлган. Ҳақиқатни фақат баъзи танланган кишилар билиши мумкин. Улар, шунингдек Жомий ҳам, диний урф-одатларга риоя қилишда илк сўфийлар сингари мутаассиб бўлмаганлар.

Бундан ташқари, Баҳоуддин Нақшбанд Абдулҳолиқ Ғиждувоний ишлаб чиққан «рашҳа» (ахлоқий мажбуриятлар) доирасини кенгайтиради, улар қуйидагилардан иборат: 1.

Хуш дар дам; 2. Назар бар қадам; 3. Сафар дар ватан; 4. Хилват дар анжуман; 5. Ёдкард; 6. Бозгашт; 7. Нигоҳдошт; 8. Ёддошт. Баҳоуддин Нақшбанд бунга яна учтасини қўшади: 1. Вуқуфи замоний; 2. Вуқуфи ададий; 3. Вуқуфи қалбий.

Ушбу ўн бир ҳолат Нақшбандия тариқатининг асосий тамойилларига айланди. Уларнинг мазмуни қуйидагилардан иборат:

1. Вуқуфи замоний – вақтда тўхташ. Мутасаввиф ўз вақтини ўтказишини муттасил назорат қилиш: агар тўғри бўлса, худога шукур қилсин, нотўғри бўлса, қилмишига яраша кечирим сўрасин.

2. Вуқуфи ададий – ҳисоб учун тўхташ. Алоҳида ҳаёлан амалга ошираётган зикр ўрнатилган такрорлашлар сонига ва кўрсатмаларга мос равишда ўтказилаётган эканлигини назорат қилиш.

3. Вуқуфи қалбий – қалбда тўхташ. Қалбда Аллоҳдан бошқа ҳеч нарса йўқлигида яна бир бор ишонч ҳосил қилиш мақсадида устида Аллоҳнинг исми ёзилган юракни ҳаёлан тасаввур қилиш [3: 186].

Абдурахмон Жомий фикрига кўра, камтаринлик, адолатлилик, барча одамларга нисбатан бир хил муносабатда бўлиш каби инсонга кўрк берадиган фазилатлар – сўфийни тавсифлайди. Нақшбанд Ғиждувоний таълимотини ривожлантирар экан, таълимотининг моҳиятини акс эттирувчи яна бир қатор ғоялар таклиф қилади. Инсон қиёфаси, яшашдан мақсади, ҳаётида риоя қилиши керак бўлган тамойиллари “Зикр – қалб султони” китобида батафсил келтирилган [9: 151].

Баҳоуддин Нақшбанд ўз шогирдлари, издошлари ва ўзини ўзи англашни, ўзининг моҳиятини, ҳақиқий маънавий асосини аниқлашни истаган ҳар қандай кишига мурожаат қилиб, дейди:

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Амир Темур, Шохрух, Ҳусайн Бойқаро каби йирик шахслар Нақшбандия оқими ғоялари билан қизиққанлар. Ўзининг хотираларида Амир Темур нафақат Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига қизиққанлиги, балки ўзига яқин кишилар, сарой аҳлига унга қизиқишни тавсия қилганлиги тўғрисида ёзади. – Қаранг: Темур А. Амир Темур ўғитлари. – Т., 1991.
2. Тариқат (нақшбандия) анъанаси Баҳоуддинни асосчи деб ҳисобламайди: у Нақшбандия тариқати раҳнамолари ичида бешинчисидир. Лекин ушбу сўфийлар биродарлигининг номи айнан унинг касб-коридан (наққошлик) келиб чиқади. – Қаранг: Ислам. Энциклопедический словарь. – М., 1991.
3. Акимовский О.Ф. Нақшбанд // Ислам. Энциклопедический словарь. – М., 1991.
4. Джами А. Избранное. – Т., 1984.
5. Афсаҳзод А. Весеннему саду Джами – 500 лет. – М., 1987.
6. Чоми А. Хафт авранг. – Т.: Литография Яковлева, 1914.
7. Фукароти Ахрория. – Т.: Литография Яковлева, 1910.
8. Ихтибос олинган: Раджабов М. Общественно-политическая и философская мысль таджикского народа в XV веке. – Душанбе, 1970.
9. Зикр қалб султони (бадий, тарихий тўплам). – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2007.
10. Ихтибос олинган: Болтаев М.Н. Абдурахман Джами о человеке, его смысле жизни и назначении. – Бухара, 1993.

ФИҚҲ ИЛМИ ВА АБУ ЖАЪФАР УСТРУШАНИЙ

Музаффар ЖАББОРОВ
ЎзХИА таянч докторанти,
Тошкент шаҳри “Фотимаи Заҳро”
жоме масжиди имом-хатиби

Мазкур мақолада ўрта асрда Мовароуннаҳр диёрида яшаган “аҳл-у-сунна ва-л-жамоа” оқимининг ҳанафий мазҳаби вақили – Абу Жаъфар Уструшаний яшаган давр, унинг илмий мероси, устоз ва шогирдлари ҳамда фиқҳ илми ривожига ўрни каби масалаларга оид фикрлар ёритилган.

Таянч сўзлар: Абу Жаъфар, Уструшани, Аббосийлар, фақиҳ, ҳанафий, мазҳаб, Куръон, сунна, Мовароуннаҳр.

This article outlines views on the period Middle Ages during which Abu Ja'far Ustrashani, the representative of “ahl-u-sunna va al-jma'a” of Hanafi madhhab, lived in the in the Movarounnahr, as well as on his scientific legacy, his teachers and students, and his place in the science of fiqh.

В этой статье излагаются взгляды на период средних веков, в течение которого жил Абу Джафар Уструшани, представитель «ахл-у-сунна ва аль-дажмаа» ханафитского мазхаба, на его научное наследие, его учителей и учеников, а также его место в науке фикха.